



## THE ROLE OF UZBEK PEOPLE'S PROVERBS IN THE LANGUAGE SYSTEM

Shergoziyeva Dilnoza Sobirovna

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature  
named after Alisher Navoi  
Master of Folklore and Lack of Dialectology

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5541941>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> September 2021  
Accepted: 20<sup>th</sup> September 2021  
Online: 25<sup>th</sup> September 2021

### KEY WORDS

proverb, semantic-structural features, tide levels

### ABSTRACT

In world linguistics, the problem of knowing proverbs, the sources of their formation, the etymology, their connection with the life, worldview, traditions, customs of a people, and the generalization of scientific and theoretical views on this subject can be applauded.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҶОЛЛАРИНИНГ ТИЛ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Шерғозиева Дилноза Собировна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети  
Фолклоршунослик ва диалекталогия йўналиши магистранти

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-sentabr 2021  
Ma'qullandi: 20- sentabr 2021  
Chop etildi: 25- sentabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

мақол, семантик-структур хусусиятлар, тид сатҳлари

### ANNOTATSIYA

Жаҳон тилшунослигига мақолларнинг лисоний мавқеи, шаклланиш манбалари, этимологиясини очиб бериш, уларнинг муайян бир халқ ҳаёти, дунёқараши, анъаналари, урф-одатлари билан боғлиқлигини қўрсатиш ва бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда.

Ўзбек тилшунослигидаги сўнгги йиллар, яъни миллий қадриятларнинг тикланиш даври сўзловчидан тилни, айниқса, давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек адабий тилини чуқур

эгаллашни; фикрни ихчам, асосли, образли ва таъсирчан шаклда ифодалашни тақозо этади. Шоир ва ёзувчи, нотик ва фасих, қари ва ёш борки,



айтилаётган фикрини асосламоқчи ёки мустаҳкамламоқчи бўлса, албатта, мақолга мурожаат қиласди. Мақол воситасида ифодаланган фикр, берилган жавобни тилнинг ҳеч бир воситаси алмаштира олмайди ёки мақол даражасида асослаб беролмайди. Бироқ ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигига мақолларнинг лисоний мавқеи, шаклланиш манбалари, улар пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстраграфик омиллари алоҳида тадқиқот обьекти бўлган эмас. “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмийпедагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан бири”<sup>1</sup> сифатида белгиланган экан, бу мақолларга оид тадқиқотларнинг ҳам ҳозирги вақтда долзарб ва муҳимлигини яна бир карра исботлайди.

Ўзбек халқ мақолларига илмий муносабат шаклларини қомусий олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида учратамиз. Буюк бобокалонимиз туркий халқлар турмуш тарзи ва дунёқарашида алоҳида ўрин тутадиган халқ мақолларининг ўрни фольклор намуналари сирасида алоҳида аҳамиятга эгалигини ўз асарида алоҳида таъкидлайди. Асарда келтирилган мақолларнинг филологик, этнографик, тарихий хусусиятларини олим кенг ва атрофлича тасвирлайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. – Б. 3.

<sup>2</sup> Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1964.; Пинхасов Я. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. – Тошкент: Фан, 1957.; Раҳматуллаев Ш. Нуткимиз

Маҳмуд Кошғарий анъанаси давом эттирилиб, мақолларнинг умумий мазмуни унинг лексик структурасига асосий эътибор қаратилмагани ҳолда фольклоршунослик, маданиятшунослик ва этнография соҳасида ўрганилиб келинди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейин мақолларнинг лисоний таркиби, унда иштирок этган лексик бирликлар, лексик бирликлараро ҳамда мақолларнинг ўз мазмунига кўра семантик муносабатлари масаласи лингвистик ёндашувлар асосида ўрганила бошлади. Бу борада Х.Абдураҳмонов, Я.Пинхасов, Ш.Раҳматуллаев, F.Саломов, Қ.Самадов, М.Садриддинова Ш.Шораҳмедов каби устоз тилшунослар ҳамда шогирдларининг тадқиқотларини алоҳида таъкидламоқ жоиз<sup>2</sup>.

Мақолларнинг синтактик табиати тилшунос Х.Абдураҳмоновнинг номзодлик диссертациясининг тадқиқ предмети бўлди. Тилшунос мақолларнинг синтактик хусусиятлари масаласида қўлга киритган ютуқлари ва тажрибалари асосида, умуман, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг синтактик қурилиш хусусиятларини илмий тадқиқ қилди. Бу ишларида ва, шунингдек, мақол ва маталларнинг грамматик хусусиятлари тавсифига бағишлиланган кейинги ишларида тил,

кўрки. – Тошкент: Фан, 1970.; Саломов F. Тил ва таржима.

– Тошкент: Фан, 1966.; Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: Фан, 1981.; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 20 с.; Шораҳмедов Ш. Мақолларнинг пайдо бўлишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971, - № 4. – Б.31-34.



нүтқ ва услуб<sup>3</sup> масалаларини ҳам қамраб олдики, биз уларда мажмуавий ёндашув намунасини кўрамиз. Мақол ҳамда маталлар адабий ва шевавий, умумистеъмол ва соҳавий нутқлар кесимидағи ўзига хос тил ва нутқ ҳодисасидир. Мақоллардаги вариантилилк, бу вариантиликнинг ҳудудий ва шевавий, тарихий ва замонавий кўринишларига хос лексик ўзига хосликлар тилшунос М.Садриддинова тадқиқотларида ўз ечими ва тавсифига эга бўлди.

Тилшуносликнинг тараққий этиши, тадқиқотларда лисоний имкониятларнинг нутқий хосланишлари масаласига чуқурлашиб борилиши, умуман олганда, ўзбек услубшунослигининг алоҳида лингвистик соҳа сифатида шаклланиши натижасида халқ мақолларининг услубий хосланиши, шунингдек, ўзбек адиларининг индивидуал идиолектига хос ва хосланган мақолларнинг функционал имкониятлари ва хусусиятлари илмий тадқиқотларда маҳсус ўрганила бошлади. Бу борада, айниқса, С.Мирзаев, С.Асқаров, А.Жўрахонов, М.Тўйчиев, М.Ҳакимов ва бошқа тилшуносларнинг тадқиқотлари<sup>4</sup> ўзбек мақолшунослиги хазинасига сезиларли

ҳисса бўлиб қўшилди. Аввало, адабиётшунослик ва этнография, кейинчалик лингвистик, сўнгра, хусусий соҳа – услубшунослиқда тавсифий асосларда ўрганилган мақолларнинг тил ва адабиёт кесимидағи тадқиқи учун бугунги кунда катта ҳажмдаги ишлар кўлами вужудга келди.

Жаҳон тилшунослигига ҳам, ўзбек тилшунослигига ҳам мақол ва маталларнинг ўзаро муносабатига бағишинган ишлар кўп. Алоҳида тадқиқотчилар ушбу икки миллий феноменнинг фарқли жиҳатларига турли

томондан ёндашишиб, ҳар хил хуласаларга келишмоқдаки, уларнинг жами

мақол ва маталларнинг умумий концептуал жиҳатини ойдинлаштириш, фарқларини умумлаштиришда муҳим қиммат касб этади.

Тилшунос Б.Жўраева матал ва мақол муносабатига тўхталар экан, уларнинг фарқларини қуйидагича таснифлайди<sup>5</sup>:

1. Маталнинг информатив қиммати устувор бўлса (*Хавф-хатардан қўрқан мақсадга етолмас*"), мақолнинг фактик аҳамияти катта бўлади: 1. Чумчуқдан қўрқан тариқ экмас. 2. Ўғридан қўрқан мол ииғмас. 3. Учқундан

<sup>3</sup> Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 48 с.

<sup>4</sup> Абдуллаев В., Дониёров Х., Мирзаев С. Шиддаткор одамлар киссаси // Шарқ Юлдузи, 1960. – № 2. – Б. 115-122.; Аскаров С. Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. – № 1. – Б.19-22.; Жўрахонов А. Муқимийнинг халқ мақолларидан фойдаланиш маҳорати // Ўзбек тили ва

адабиёти, 1974. – № 4. – Б.52-55.; Тўйчиев М. “Шинелли йиллар” романида халқ мақоллари ва ибораларининг ишлатилиши // Ўзбек фразеологиясидан тадқиқотлар. СамДПИ асарлари. – Самарқанд, 1971. – Б.84-87.; Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 1971. – 176 б. 38

<sup>5</sup> Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий кўлланилиши: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Самарқанд, 2006. – 24 б.



қўрқан темирчи бўлмас. 4. Илондан қўрқан олачилвирдан ҳатламас.

2.Матал шаклан нисбий турғун бўлиб (*Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл*), мақоллар нисбатан ўзгарувчан ва юқори вариативликка эга бўлади (*Бир қинга икки қилич сифмағай / Иккита қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас*).

3.Мақоллар мажозий, кўчма маънога эга бўлса, маталлар тўғри ва ўз маъносига қўлланади.

Шу жиҳати асосида олима мақолни идиомалашган, матални эса идиомалашмаган бирлик сифатида баҳолайди<sup>6</sup>.

Халқ мақоллари ва матал чегарасини мутлақ қўйиб бўлмаслигини ушбу соҳада тадқиқот олиб борган ҳар бир тадқиқотчи алоҳида таъкидлайди. Хусусан, профессор Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” ўкув қўлланмасида мақол ва маталлар бир мавзу остида берилади. Олим Ер сотган эр бўлмайди, Пул белга қувват, бошга тожс, Андишанинг оти қўрқоқ, Ҳамал кирди — экинларга амал кирди ифодаларини ҳам мақоллар мавзуси остида берадики<sup>7</sup>, бу юқорида келтирилган мақол ва маталларни фарқлаш

тамойилларига мувофиқ келмайди.

Маълум бўладики, ўзбек тилшунослари мақол ва маталлар чегарасини аниқ қўя олмаганлар. Бу эса уларни ажратишнинг аниқ тамойиллари

йўқлиги

сабабли бир тизим сифатида қараш, лозим бўлса, мақол ва матал ифодаларига маънодош бирликлар сифатида қараш заруратини кун тартибида кўяди.

Мақолларнинг лисон ва нутқ дихотомиясидаги ўрни масаласи алоҳида

эътиборга молик. Қуйида шу хусусда фикр юритамиз. Чунки айрим манбаларда мақолларни тил ёки нутқ бирлиги сифатида ажратишга мойиллик кузатилади<sup>8</sup>. Демак, бу муаммо устида алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Лисон имконият табиатига эга бўлган тегишли бирликлар ҳамда уларнинг лисоний сатҳдаги ўзаро муносабати ва нутқда боғланишини таъминлайдиган имманент алоқаларини ўз ичига олади. Лисон нутқ учун

бирламчи имконият, восита ва асосдир.

Лисон турли сатҳлар ва улар бирликларининг имконий муносабатларини

ўз ичига олган мураккаб бутунликдир. У бутунлик сифатида қисмлар – сатҳлардан ташкил топади. Муносабатлар бутунликни ташкил этувчи

қисмларни ўзаро туташтириб боғлайди. Ўзбек тилшунослигига лисоний сатҳлар сифатида фонетик, лексик,

<sup>6</sup> Қаранг: Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик лугати. – Тошкент: Фан, 2006. – 96 б.

Б. 7

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 105 б.

<sup>8</sup> Бу хақда қаранг: Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик лугати. – Тошкент: Фан, 2006.

– 96 б. – Б. 7; Менглиев Б., Холиёров Ў. Ўзбек тилидан универсал қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди,

2015. – 435 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г., Қурбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – 414 б. – Б.36



морфемик (морфологик) ва синтактик сатҳлар ажратилиши урф бўлган<sup>9</sup>.

Ўзбек тилшунослигида морфемик/морфологик ва лексик сатҳларнинг

ажратилиши ўзбек тилининг миллий ва туркона табиатидан келиб чиқади. Ўзбек тилида морфема ва лексеманинг хусусиятлари ҳамда фарқлари ҳинdevропа тиларидаги морфема ва лексема табиатларидан айричалиги шундай

ёндашувга сабаб бўлган<sup>10</sup>.

Ҳар бир сатҳ ўзига хос бирликлардан иборат бўлиб, у сатҳларнинг моҳиятини белгилайди. Фонетик-фонологик сатҳ учун фонема, лексиксемантик сатҳ учун лексема, морфемик-морфологик сатҳ учун морфема,

синтактик сатҳ учун қолип/модел бирлик сифатида эътироф этилган ва, назаримизда, бу ўринда фикрни асослаш учун минглаб адабиётлар уммонидан ҳавола келтириш ортиқча. Фонетик-фонологик сатҳнинг бирлиги фонема эканлиги ҳақидаги фикр дунё тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам тўлиқ эътироф этилган

ва бу аксиоматик характерга эга. Бу бир планли/бирёқлама бирликли сатҳдан маъноли бирликлар ташкил этувчилири бўлган сатҳларга ўтиб борилиши билан муаммоли саволлар пайдо бўла борадики, ҳали тилшунослигимиз бу

<sup>9</sup> Неъматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 30 б. – Б.8; Неъматов X., Расулов Р.

Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б. – Б.36-37.

<sup>10</sup> Менглиев Б.Р. Тил яхлит система сифатида. – Тошкент: Ниҳол, 2010. – 192 б. – Б. 69.

<sup>11</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г., Курбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий

саволларнинг барчасига тўлақонли жавоб берган дейиш қийин. Хусусан, тилшунослик таълимида фаннинг бўлимлари ажратилиб, бунда лексеманинг

лексикология фраземаларнинг фразеологияда ўрганилиши билан боғлиқ равишда тилнинг лексик сатҳини лексик-фразеологик сатҳ деб аташ

ҳоллари учраб туради<sup>11</sup>. Бунда, лексема ва фраземаларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини яхлит қамраб олишга интилишни кўриш мумкин. Фраземалар, таркибий қисмлари сонига кўра, камида икки қисмли бўлади ва улар орасида тобе алоқанинг сўз бирикмаси ва гапга teng турларини кўрамиз<sup>12</sup>. Сўз бирикмасига teng фраземаларга мисол келтириш ортиқча бўлганлиги учун бунда гапга teng ибораларни келтирамиз: *тарвузи қўлтиғидан тушди, кўнгли сезди, димоғи шишиди, феъли айниди, салобати босди* каби. Бу фразеологик курилмаларда [эга-кесим] муносабатини кўрамиз. Уларни луғатларда бериш ва мисол сифатида *тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, кўнгли сезмоқ, димоғи шишимоқ, феъли айнимоқ, салобати босмоқ* шаклида беришда грамматик қонуниятларнинг бузилишини кўрамиз. Масалан, қўйидаги синтактик курилмаларни *тарвуз ёзда пишмоқ, ҳарорати*

тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – 414 б. – Б.128-131.

<sup>12</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан. 1966. – Б. 55; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – 57 б. – Б.12.



кўтарилиб кетмоқ, қорни овқатга тўймоқ шаклида бериш грамматик хатолик эканлиги каби юқоридаги гап шаклидаги ибораларни ҳам биримга шаклида – феълнинг ноаниқ шакли билан бериш маъқул эмас. Шу боисдан ибораларни луғатларда беришда гап шаклидаги – [эга-кесим] қолипидаги ибораларни беришда иборалар ўқув луғати тузувчилари муаммога янгича ёндашганлар. Мисоллар:

*Abjag'i chiqdi – qattiq jarohatlandi, ishdan chiqdi*

*Achchig'i keldi, achchig'i qistadi – achchiqlandi*

*Aqli kirdi – 1)es- hushli bo'ldi 2) angladi, tushundi*

*Aqli yetdi – idrok qildi, uqdi, bildi<sup>13</sup>*

Кўринадики, нутқда қўлланиш учун тайёр ҳолдаги қўплаб ибораларнинг фикр (хўм) ифодалаш хусусияти уларга грамматик шаклланган гап сифатида қарашга ундаиди. Бу эса барча ибораларни лексик ёки лексикфразеологик сатҳ сифатида қабул қилишга монелик қиласди. Хуллас, фраземаларнинг тушунчавий ва хўмий турлари уларнинг тўла маънода лексик-фразеологик сатҳ сифатида қаралишини шубҳа остига қўяди. Бундай фикрни морфемик/морфологик сатҳ ҳақида ҳам айтиш мумкин. Морфемик/морфологик сатҳга сўз ясовчи морфемаларни ҳам, шакл ясовчи морфемаларни ҳам қамраб олиш анъанаси мавжуд. Шунингдек, морфемик сатҳга сўз ясовчиларни, грамматик

сатҳга эса шакл ясовчиларни киритиш ҳоллари ҳам учраб туради<sup>14</sup>.

Бундаги зиддиятли ҳол шундаки, аввало, бирлиги қолип бўлган синтактик сатҳни грамматик сатҳ дейишида мантиқдан узоқлашиш кўзга ташланади. Бу, биринчидан, тилшуносликда морфология ва синтаксисни

грамматиканинг ташкил этувчилари сифатида қарашга зид. Чунки грамматик сатҳ дейилдими, демак, у морфологиянинг ҳам, синтаксиснинг ҳам

бирликларини қамраб олиши керак. Бундай дейиладиган бўлса, морфемик сатҳ морфемаларни қамраб олар экан, бунда грамматик шаклларни морфема деб қараш тўғри эмасдек туюлади. Иккинчидан, сатҳ синтактик дейилса, ўзўзидан грамматик шакллар морфемик сатҳ "худуди"га кириб кетади.

Бундан маълум бўладики, фонетик, лексик-семантик, морфемикморфологик сатҳ тушунчалари сирасида грамматик сатҳ атамаси эмас, балки синтактик сатҳ ифодаси туриши мантиқидир. Нутқда воқеланган ҳар бир восита, у қандай табиатли бўлишидан қатъи назар, тилнинг формал модели нуқтаи назаридан маълум бир сатҳга тегишли бўлиши лозим. Акс ҳолда, икки сабабдан бири бунга олиб келган бўлиши мумкин:

- 1) тил бирлигининг лисоний сатҳдаги мавқеи аниқланмаган;
- 2) тил бирлиги ўзига моҳиятан уйғун бўлган бошқа бирликлар билан

<sup>13</sup> Менглиев Б., Худойбердиева О., Худойбердиева М. Ўзбек тили ибораларнинг ўқув изохли лугати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 40 б. – Б.7.

<sup>14</sup> Невматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 30 б. – Б. 8



биргалиқда алоҳида сатхни ташкил этади.

Бу табиий тилни математик моделлаштиришдаги импликация деб аталағын мантиқий амални ўзида акс эттиради. Бу амалнинг ибтидоси "Х тил бирлиги бирор сатхга кирмаган" деган муаммоли вазиятдан бошланади. Ана шундай тил ифодаларидан бири мақоллардир.

Мақоллар тилда информативлик нұқтаи назаридан катта имкониятга эга бўлган, илмий таъбир билан айтганда, аждодлар томонидан тайёр ҳолга келтириб қўйилган, барқарорлик сифати асосий хусусиятларидан бўлган, коммуникатив мазмун ва грамматик шаклнинг яхлитлиги сифатида мавжуд бирликлардир. Мақол тугал гап шаклида яхлит ахборот, фикр ифодалайди. Бу масалани асослаш учун ҳам назарий ва методологик манбаларга ҳавола бериб, улардан исталганча иқтибослар олиш мумкин ва бу, бизнингча, ортиқча.

Мақоллар, адабиётшунослик нұқтаи назаридан, ҳалқ оғзаки ижодининг энг кичик жанридир. Улар қисқа, лўнда, образли, грамматик ва мантиқий жиҳатдан тугал маънени ифодалайдиган чуқур мазмунли гап бўлиб, ўзига хос талафуз ритмига эга. Мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, мақолларда дошишманд ўтмиш аждодларимизнинг ҳаётий тажрибалари, табиат, жамият ва тафаккурга муносабати, уни яратувчи ҳалқнинг тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари,

фазилатлари ўз аксini топган<sup>15</sup> бўлади. Мақоллар кўп асрлар давомида сайқалланиб, тарих синовларидан ўтган ва содда поэтик шаклли ҳолатга келган. Мақоллар ватан, меҳнат, илмҳунар, дўстлик, аҳиллик, донолик, хушёrlик, мулоқот маданияти, севги ва муҳаббат каби юзлаб мавзуларни қамраб олади. Мақолларда ўзига хос мазмуннинг муайян шакли бўлади. Қофиядошлиқ, кўпмаънолилик, мажозий маъноларга бойлик каби хусусиятлар унинг учун хос хусусиятдир. Мақоллар мазмунида диалектиканиг қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни ўз аксни топган<sup>48</sup>.

Эътибор қилинса, мақолнинг адабиётшунослик ва тилшунослик нұқтаи назаридан икки хил алоҳида хусусияти эътироф этилган:

- 1) мақол – ҳалқ оғзаки ижодининг энг кичик жанри;
  - 2) мақол – чуқур мазмунли гап.
- Ўзбек тилшунослигига мақолларга барқарор тил бирлиги сифатида қараб, уларни ибора ва маталлар билан бирга олиш манбаларда ҳам учраб туради. Масалан, "маънолари бирбирига яқин бўлган сўзлар, фразеологизмлар, мақоллар матнда антитета учун хизмат қилиши мумкинки, бу нарса нутқقا кучли эмоционаллик баҳш этади"га ўхшаган фикрларда мақолларга тил бирлиги сифатида қарашга интилиш ётади<sup>49</sup>. Мақоллар – энг кичик жанр. Мақолнинг, энг аввало, жанрий табиати

<sup>15</sup> Каримов С. Бадиий услуг ва тилнинг ифода тасвир воситалари. - Самарканд: НС, 1994. – 67 б. – Б. 54.



унинг нутқ ҳодисаси эканлигини кўрсатади. Нутқ ҳодисалари эса бекарорлиги билан характерланади. Аммо бу воқеланган нутқ парчасининг барчаси ҳам бекарор деган холосага олиб келмаслиги лозим. Дейлик, нутқнинг гўзал намуналари бўлган халқ қўшиқлари, ривоят ва ҳикоятлар, умуман, бадий ижод намуналари қоғозга тушар экан, улар воқеланган нутқ

парчаси сифатида барқарорлик касб этади. Бу барқарорлик уларга лисоний ҳодиса сифатида қарашга олиб келмайди. Демак, *барқарорлик терминининг*

моҳиятини фақат “бузилмаслик” маъносидагина тушуниш тўғри эмас. Мақоллар моддий воқеланганлик хусусияти билан нутқий бирликларга хос “моддийликка эгалик” сифатига эгадир. Бу жиҳатдан уларга нутқий ҳодиса сифатида қараш тўғрироқ бўлади.

Мақоллар гап шаклида экан, бу уларни тўлақонли гап дейишга монелик қилмайди. Умуман олганда, мақоллар анъаналашган гаплар бўлиб, муайян қолип – моделлар асосида шаклланади. Масалан, *Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир:* [эга – кесим], [эга – кесим]. *Бузоқнинг*

юргани сомонхонагача: [аниқловчи – эга – кесим].

Демак, айтиш мумкинки, мақоллар нутқий ҳосила қурилмаларнинг кўплаб хусусиятларига эга бўлиб, улардаги ижтимоийлик ва такрорланувчанлик/такрорланмаслик белгиларини худди нутқий товуш, сўз, қўшимчаларнинг шундай белгиларига нисбатан тушунмоқ лозим бўлади. Зоро, нутқда воқеланган ҳар бир ҳодиса нутқий эканлиги ҳақидаги аксиома мақолларнинг ҳам нутқий эканлигини кўрсатади.

Албатта, табиий тилларнинг формал моделларини яратиш мезонлари нуқтаи назаридан мақолларни тайёр синтактик структуралар сифатида қараш/қарамаслик масаласи уларнинг ҳар бир нутқий актда грамматик ўзгаришсиз қўлланиш/қўлланмаслик хусусияти билан белгиланади. Шу боисдан сунъий тил учун моделлаштиришда халқ мақолларига ўзига хос ёндашув талаб қилинади. Зоро, лингвист-структуралистлар уларнинг лисон ва нутққа муносабатини белгилашда истисновий ёндашувни маъкул кўрадилар

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 105 б.
2. Бу ҳақда қаранг: Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – 96 б. – Б. 7; Менглиев Б., Холиёров Ў. Ўзбек тилидан универсал қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 435 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабийтили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – 414 б. – Б.36
3. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 30 б. – Б.8; Неъматов Ҳ., Расулов Р.